



Янги тузумдан нажот кутган Хамзага ўхшаган ижодкорлар атеистик мавзуларда асарлар ёзишга ўтди.

Мустакиллик даврида тарихимизни, адабий меросимизни, айникса, киргин-катағон килингандар ёзувчилар ижодини ўрганишга кенг йўл очилди, бу борада хозир кўп ишлар килинмокда. Жумладан, Хамза шеъриятининг ўзи биланок адабиётимиз тарихидан мустахкам ўрин олиши мумкин.

Хамза ўзбек театрининг яратилиши ва ривожига катта хисса кўшди. Дарслкларида бутунлай янги принципни кўллади: улар диний ва дунёвий илм асосида ёзилди. Бир маколасида «Ким хакикатпараст, ким миллатни суювчи, ким ўз халкини бир кўзда кўрувчи, ким жамоат хизматига жони-молини фидо этувчи айтилсун, бу майдону хакикатга кирсун», деб ёзди. Бир мухаммасида «Гар хакикат йўлига бир раҳнамо топса кўнгул», дейди ва «Миллий ашуалалар...» мажмуасида шу ниятини журъат билан тарғиб этади. Унда шоир халкни уйгонишга, бирлашиш ва хакикат учун курашга чакиради: «Бирлашсан энди бошимиз, маслакда кари ёшимиз», «Хак йўлида жон берсак, бўлсак миллат курбони»...

Адид башка бир асарида хаммага «бир кўз билан карайлик», деган иборани ишлатади, халкни бою камбагалга ажратмайди. Ортиқча тўй-хашамлар, киморбозлик, кўкнориҳўрлик, махаллийчилик, бир-бирини кўролмаслик, дангасалик, айникса, илмсизликни шафкатсиз танқид килади: «Тонумаслар ўзларин бехушлар», деб афсусланади: «Ўзингизга бир боксангиз эди кўзингиз йиришуб», дея хитоб этади. Форс ва араб тилларини пухта билган Хамза динга сидкидилдан ишонган. Отасига йўллаган бир мактубида «Бир бедона кафш сотиб олган эдим, рамазон келиб колди: яна сотиб юбордим. Ифторлик ва сахарликка харжаладим», дейди.

Аммо 1917 йилги Октябр тўнтаришидан кейин мамлакатда большевиклар томонидан динга, мадрасалар, диндорларга карши бошланган шафкатсиз оммавий кураш жуда ёмон окибатларга олиб келди. Янги тузумдан нажот кутган Хамзага ўхшаган ижодкорлар атеистик мавзуларда асарлар ёзишга ўтди. Сўнгра динга нисбатан бошланган адолатсиз кураш дин раҳнамоларининг норозилигига сабаб бўлди. Бундай хол Хамзага ўхшаганларни чалгитди. У: «Мулла, эшонлар кутурди, дин, шариатнинг исмидан «гозийлик» деган ёлгонга адашган эрлар сотилди» ва «Дўзахни писанд этмади куфринда Ниёзий», деб ёзди. Хамза аслида жаҳолатга карши курашмокчи бўлади. Шўролар даврида бирорта асарида ижобий маънода тасвирланган дин кишиси йўк. Баъзилар Хамзанинг мардикорлик воеаси муносабати билан ёзган «Яшасун чун ватан

ўгли» ва «Сидки дил бирла дуо» шеърларида чоризмни мактаган, ўз халкини мардикорликка даъват этган, деб уларга салбий баҳо берадилар. Эҳтимолки, бу шеърлар маҳаллий маъмурлар талаб-буйруги билан ёзилган. Лекин Хамза «Подшохимизга садокат кўрсатинг, ахли ватан, то курбон ўлсун жонимиз», деб даъват этган бўлса-да, шеърнинг рухига ўз юртини, ўз халкини кадрлаш туйгуси сингдирилган. Хамза аслида мардикорликнинг кандай оғир кулфатлар келтирганини яхши билади. «Согиниб», «Салом айтинг» каби шеърларида мардикорларнинг фожиали ахволини кўрсатиб беради. Лекин у шеърларига жуда муҳим бир гояни сингдиради: жаҳолатда колиб кетган ва ўз баҳт-саодати учун курашмаган одамнинг жазоси шу, бу кунларинг сенларга сабок бўлсин, демокчи. Каранг: «Жазо шул каю миллат, ки хикмат, илму фан билмас», «Эсак дониш эли ўлмас биз мунча расволар», «Бу кунлар ибрат ўлсун, эй...». Адиб бошқа бир ўринда очикдан-очик бундай деб ёзган эди: «Мана, буқун хақикат, хуррият воситаси билан эски хоин ва золим, мустабид хукумати 50 йилдан бери бўйин, кўл ва оёғимизга сезимсиз солуб келган умрлик оғур занжирларин кўзга кўрсатиб ечди, халос килди. Буқун хақикат, мусовот воситаси била, бир тараф, золим амалдорлар, иккинчи тарафдан, раҳмсиз, шафкатсиз талончилар темир тирноги остида пўстлари бутун сидирилуб, юраклари эзилуб... турган мазлум, ноҳак факиру бечора, етим, гарибларнинг бургутлар панжай маргидан баҳо килди... Буқун Остроумов, Илминский кабиларнинг тарбиясида яшаган ва анинг маслакига хизмат этувчи, ватандаги ўз орамиздан чиккан дин хоинларини хаётларин хақикат майдонига отур. Ноҳакларни шарманда... килур».

«Истибдод курбонлари»да рус началниги оғир меҳнатдан ўлиб колган ўзбек йигитини топиб: «Кўтаринг бу собаканинг ўлигини», дейди. Хеч кайси ёзувчи ўша вактда чоризм башарасини Хамза каби дадил фош этган эмас. 1917 йил 21 октябрда ёзган «Үён Ватан» шеърида «Бу кун миллатга ўлсун харна химматимиз», «Битди истибдод, етсун хуррият», «Битсун назорат, куллик, асорат» деб хайкирди. «Туркистон Мухториятина» шеърида эса «Тўрт юз йиллик Романов битгач давлати, кўтарилди асорат, хўрлик иллати», деб кувонади.

Бу гаплар бежиз айтилмаган эди. Хамза ўз юртида, Россияда ва ундан ташкарида юз бераётган ижтимоий-сиёсий воеалардан яхши хабардор эди. Жадидлар отаси деб шуҳрат таратган Исмоил Гаспиралини ўз устози деб билган шоир у вафот этганда шеър ва макола ёзиб, «ботди хуршиди жаҳон», дейди. Туркистоннинг илгор зиёлиси, машхур жадид Мунавваркорини эса, «мухтарам устози олий», «маънавий ота», деб хисоблайди. Унинг «Сарикгул» (1916) тўпламидан «Яшасун чин ватан ўгли», деган шеър хам ўрин олган. Ундаги «Яша, Чайкин, Яшасун чун ватан ўгли Хўжаев» деган мисра бўлиб, хар тўртликдан сўнг (9 тўртлик) такрорланиб келади. Убайдулла Хўжаев ва Вадим Чайкин ўша даврнинг илгор зиёлилари, сиёsatчилари эди. «Садои Туркистон» газетасига бош мухаррирлик килган Убайдулла Хўжаев машхур адвокат бўлиб, Кўкон Мухторияти ташкил топганда мудофаа нозири ўрнини эгаллаган эди. Вадим Чайкин «Голос Туркестана» газетасининг бош мухаррири бўлган. Туркистондаги эсерлар партиясининг бошлиги сифатида Бехбудий, Закий Валидийлар олдинга сурган Туркистонга федерация макомини бериш гоясини фаол кўллаб-кувватлаган арбобидир. Хамза бу икки шахсни Туркистон халкининг оғир, ночор ахволидан ок подшохни хабардор этувчи ва огирини енгил килишни сўровчилар, деб билади.

Хамза Ахмад Закий Валидий Тўғон билан дўст бўлган, у билан бирга халк орасида тарғибий-ташвикий ишларни олиб борган. Валидий хам уни хурмат килган ва

Туркистондаги энг машхур, фаол сиёсий арбоблардан бири, деб хисоблаган. Маълумки, Закий Валидий зўр олимлигидан ташкари Туркистондаги миллий-озодлик харакатининг йўлбошчиси сифатида тан олинган, «Туркистон Миллий Бирлиги» кўмитасининг раиси бўлган, жуда кўп сиёсий дастурлар, йўл-йўриклар (масалан, жадидлар дастурининг) муаллифи бўлган ва хатто Ленинга катта мактуб ёзиб, барча вахшийликлар, адолатсизликлар, шовинистик сиёсат ва майда миллатлар хак-хукукининг поймол килинишида, эҳтимол, «йўл кўйилган хатолар бошида сиз ўзингиз тургандирсиз» дейишга журъат этган сиёсатчидир.

Тошкентда ўтадиган «Туркистон Миллий Бирлиги» конгрессига катнашувчилар тўғрисида сўзлаб, Валидий шундай дейди: «Лекин Туркистоннинг таникли сиёсий арбоблари Алихон Букайхон, Турор Рискулов, Ахмад Бойтурсун, Мухаммаджон Тинишибоев, ўзбеклардан Мунавваркори, Бухородан Хакимзода, Мирза Абдулкодир Мухиддин, туркманлардан адвокат Какажон Бердиев ва бошкалар узок вакт большевиклар маҳсус хизматларининг таъкиби остида бўлганликлари сабабли бу конгрессга кела олмайдилар» Закий Валидийнинг мана бу фикри Хамзанинг калбидан муҳторият гояси чукур ўрин олганини ва «Муҳторият ёки автономия» драмаси, кейинча «Туркистон Муҳториятина» шеърининг дунёга келиши бежиз эмаслигидан далолат беради.

«Мен ва Бехбудий, тошкентлик ёш муҳаррир Толибжон, ёш ўзбек шоири Чўлпон, нўгайкўргонлик татарлардан Тохир, Самаркандан Хакимзода билан бир канча шахарларга бориб йигилишлар ўтказдик, турли-туман жойларда бўлиб, Туркистон Марказий Шўросига одамларни жалб килдик. Натижада Муҳтория фикрининг асл душмани саналган кадет партиясининг Тошкентдаги бошкармаси ўз таъсирини йўқота бошлади. Июн ойи бошидан бошланган кураш натижасида Муҳторият гоясининг таъсири хамма ерда кучая борди». Валидийнинг бу гаплари Хамзанинг сиёсий кураш жабхасида фаол ишлаганидан яна бир далилдир.

Маълумки, 1917 йил бошларида Туркистон Миллий Шўроси тузилади ва унинг гояси Хамзани хам мафтун этади. У «Таржимаи хол»да 1917 йил бошида Шўрои исломнинг озука шуъбасига кириб, иттиход таъмин жамиятини ташкил этишда катнашганини ёzádi. Шу пайтларда «Хой, ишчилар», «Биз ишчимиз», «Ишчилар, уйгон», 1918 йили «Туркистон Муҳториятина» шеъри билан кетма-кет «Уйгон», «Яша, Шўро» каби шеърларини ёзган. Бу шеърларнинг магзини миллий ишчилар синфини яратиш ва миллий шўрони ривожлантириш гояси ташкил этади. Фикримизнинг исботи учун яна Закий Валидийнинг Мустафо Чўкаевга ёзган катта мактубидан бир парча келтирамиз: «1917 йилнинг июнида Самарканда Хамза Хакимзоданинг, Махмудхўжа Бехбудий билан менинг миллий ишчилар касаба уюшмаларини ташкил килиш йўлидаги фаолиятимизнинг асосини ташкил килган тадбир шу бўлди. Озарбойжон миллий социалист партияла-ри, мусоват партияси 1918 — 1919-йилларда бундай миллий касаба уюшмаларини жуда яхши уюштиришди. Биз социализмни хар бир миллатнинг ўзига хосликларини кўзда тутиб, хар бир миллатда майдонга келган уюшмаларнинг Русия доирасида уюшиб бирлашган демократик федерация тарикасида кўз олдимишга келтирасиз эдик. Диктатура тартибига каттиқ карши чиқдик... 1919 йилда Туркистонда социализм гояси кенг таркалди. Социалист бўлмаган бирорта партия тузиш имкони берилмади, тўхтатиб кўйилди». Хамза ўз «Таржимаи холи»да «1917 йилнинг 28 майида Каландархонада 400 га якин рабочийларини тўплаб, зўр намойиш килиб, рабочий меҳнаткашлар жамияти ташкил килдик», дейди. Агар шоирнинг «Хакингни ол, ишчилар» («Хой ишчилар»), «Замона

келди, кўтарайлик оёқ оstdан бошимиз» («Биз ишчимиз»), «Ишчилар уйгон, уйгон. Сенга ишлашга етиши замон» («Ишчилар, уйгон») мисраларига эътибор берсангиз, уларда ўша Закий Валидий таъкидлаган гоя руҳи борлигини англаш мумкин.

Шоир советлар даврида кўп шеър ёзмади, йигирма саккизтacha шеърдан ўн тўрттаси хотин-кизларни илм-маърифатга ва эркка чорловчи асардир. Бир неча шеърларида халкни уйкудан уйготиш ва озодлик карор топганини кутлаш ётади. Бу ерда Анвар Пошонинг адъютанти Мухитдинбекнинг Закий Валидий тўгрисидаги маколасидаги (1928) «Закий Валидий рус инкилобига катта умид bogлади. Туркий халкларга инкилоб бир нажот ва баҳт келтиради, деб ишонди. Лекин умидлари рўёбга чикмади. Закий Валидий Анвар Пошо билан алока bogлаб, большевикларнинг хийла-найрангларини яхши тушунгандан кейин бир канча вакт бекиниб юриб, иш кўришга аҳд килди ва шундай килди хам...», деган фикрини келтириш ўринли. Хамза хам, Чўлпонлар хам дастлаб худди шундай адашдилар. Тўгри, Хамза совет хукуматининг ўз одамига айланишга ва уни кўллаб-кувватлашга интилди. 1926 йили унинг дўсти Сўфизодага «Ўзбекистон халк шоири» ва Хамзага «Ўзбекистон халк ёзувчиси» фахрий унвонлари берилган бўлса-да, Сўфизода 1937 йили ўлдирилди. Хамза эса доим тазик остида юрди, бирор ерда муким ишлаш имкониятига эга бўлмади. «Таржимаи холи»-да айтилишича, ганимларининг унга «очик хужумга тикланганларини билиб», Бухоро ва Хоразмга кетиб кутулади. Хамзанинг русларни фош этувчи асарлари, миллий муҳториятни орзу килган шеърлари, Закий Валидий, Мунаввар Кори, Чўлпон, Бехбудий каби замонасининг илгор зиёлилари — адолат ва хакикат учун курашувчилар билан дўстлиги шўро тузумининг маҳсус кўрикчиларига аён эди. Шунинг учун уни хам сиёсий, хам иктисадий жихатдан кийнадилар. У дўстлари ва юкори ташкилотларга ёзган ўнлаб мактубларида «ёрдам сўрасак бизга тескари карайдилар», «ёзувчи бўлмай ва дунёга келмай хам ўлай», «хозирда кўриб турган кунларимни итлар кўрмайдур», дейди.

Бир кайдида «Оч туришга чора йўқ, ўғирликка укув йўқ. Мардикорликка куч, усталикка хунар йўқ. Дехкончиликка ангал-дангал. Ўлишга текин ажал йўқ. Кочай десанг, на йўл бор, на тинч жой. Муни устига сан хам бўларсанда шуларга ўхшаган бедин, ноинсоф бир большовой», дейилган. Хамза 1928 йил 25 сентябрда бир дўстига йўллаган мактубида хаётининг хавф остида колганлигини айтиб,» пичогимнинг гулдастаси синмасун эди. Ул игвогарларнинг тегишлиқ чораларини кўрмасликлари яна бир зарба бермай колмас», деб ёзади. Кўп ўтмай, 1929 йил 18 марта эса Хамза вахшийларча ўлдирилади. Бу ишда сиёсий кучлар хам иштирок әтганига шубха йўқ.